

УДК: 635.646+635.044

## БОҒ ҚАТОР ОРАЛАРИДА БАҚЛАЖОН ЕТИШТИРИШДА МАҚБУЛ ЭКИШ СХЕМАЛАРИНИНГ ХОСИДОРЛИГА ТАЪСИРИ

**Мамажонов Ойбек Шаробидинович**

АҚХАИ магистранти

**Содиқов Лочинбек, Адхамович.**

Академик М.Мирзаев номидаги

Б У ва ВИТИ Андижон ИТС илмий ходими.

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг Андижон илмий тажриба станциясидаги боғ қатор ораларида бақлажоннининг нав ва намуналари учун мақбул экиш схемалари ва уларнинг хосилдорлиги хақида маълумотлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** витаминлар, Аврора, Алмаз, Барток, дурагай нав, F1, экспортбоп.

**Кириш.** Мева сабзавотчилиги қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини янги, витаминга бой сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон аҳоли жон бошига сабзавот ва полиз ишлаб чиқариш бўйича юқори ривожланган давлатлардан қолишмайди. Аммо, асосий экин майдонларини помидор, бодринг ва кўкат сабзавотлар эгаллайди.

Шу билан бир қаторда аҳолини тўлиқ озиқланишида хилма-хил ва таркибида витаминларга бой маҳсулотлар бўлиши керак, уларни таъминлайдиган манбаъ сабзавотлар ҳисобланади. Сабзавотлар таркибида инсон

танасида осон ҳазм бўладиган турли минерал тузлар, витаминлар, ароматик бирикмалар, оқсиллар ва углеводлар мавжуд бўлгани учун “*Сабзавотлар саломатлик манбаи*” ва “*бу гап жуда оқилона*” деган машҳур ибора бор [1; 3]. Шунингдек, номавсумий даврда ички ва ташқи бозорда бақлажонга бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Бақлажон – энг қимматбаҳо сабзавот экинларидан бири бўлиб, дунёда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари қаторидан ўрин олган. Бугунги кунда дунёдаги энг йирик бақлажон ишлаб чиқарувчилар Хитой (1,6 млн. т), АҚШ (613,3 минг т), Эрон (409,6 минг т), Туркия (215 минг т), Мексика (159,5 минг т) ва МДХ мамлакатларидан Украина (127,2 минг т) давлатлари етакчилик қилмоқда. Бироқ, ҳимояланган ер сабзавотчилигида бақлажон кам тарқалган сабзавот экинлари қаторига кириб, атиги 1% га яқин майдонни эгалламоқда [1, 4].

Ўзбекистонда боғларни қатор ораларига экиш учун экинларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотлардан маълумки олма ва нок боғларини қатор орасига улар 6-8 ёшга киргунга қадар сабзавот экинларини ва қатор ораларига ишлов берадиган ўсимликларни экилгани катта аҳамиятга эгадир.

Бу эса, боғ қатор ораларидан эрта бақлажон меваларини етиштириш кўшимча даромад олиш имконияти мавжуд.

**Тадқиқот услуби.** Тадқиқотларда бақлажон нав намуналарини боғ қатор орларида 70×30, 70×40 ва 70×50 см экиш схемалари таққосланди. Илмий-тадқиқот ишиларда бақлажоннинг Аврора, Алмазнавлари ва Барток F1 дурагайилари фойдаланилиб, Аврора нави стандарт (st) нав бўлиб, ўсимликлар бир пояли шакллантирилиб, сим бағазга олинди.

Барча тажрибаларда фенологик кузатувлар, биометрик ҳамда ҳосилдорликни аниқлаш бўйича ўлчовлар ўтказилди

**Тадқиқот натижалари.** Боғ қатор орларида бақлажондан эрта, серҳосил ва экспортбоп ҳосил етиштиришда, хусусан, бақлажон ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши турли экиш муддатларида Алмазнави ўсув даври бошқа навларга

кўра қисқалиги намоён бўлди. Бу эса, ҳосил элеменларини эртароқ шаклланишига ҳамда бақлажон меваларини бозорга барвақт чиқишига имкон яратди.

Боғ қатор орларида таққосланаётган бақлажон нав намуналари турли экиш схемаларида ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, хусусан, ғунчалаш, гуллаш ва мева тугиш даврлари орасидаги фарқ 2-3 кунни ташкил қилган бўлса, ўсимлик бўйи ва диаметри, шунингдек, барглар сони Алмаз навини 70×40 см экиш схемасида экилганда бошқа нав ва экиш схемаларга нисбатан энг юқори бўлганлиги аниқланди (ўсимлик бўйи – 34,2 см ва диаметри – 6,8 мм, барглар сони – 57,3 дона). Бироқ, энг паст кўрсаткични стандарт Аврора навини 70×40 см экиш схемасида экилганда мутаносиб равишда 30,7 см, 5 мм ва 35,2 донани ташкил қилди (3-жадвал).

4.13-жадвал

Боғ қатор орларида турли экиш схемаларида бақлажон нав намуналари ўсимликларининг морфологик белгилари (2020-2022 йй)

Нав намуналари	Экиш схемалари, см	Ўсимлик		Ён шохлар сони, дона	Барглар сони, дона	Барг сатҳи, см <sup>2</sup>
		бўйи, см	диаметри, см			
Аврора (St)	70×30	114,5	1,1	3	40,0	3554,2
	70×40	110,1	1,4	4	40,5	3225,4
	70×50	109,0	1,6	5	45,2	3219,1
Алмаз	70×30	121,0	1,3	4	40,0	3715,5
	70×40	114,5	1,6	6	57,3	3620,9
	70×50	111,4	1,8	5	45,3	3229,3
Барток F1	70×30	141,0	1,6	3	37,0	3650,7
	70×40	133,0	2,0	4	44,0	3380,2
	70×50	129,1	2,2	4	50,2	3245,9

Истилмайдиган иссиқхона шароитидан эрта, серхосил ва экспортбоп ҳосил етиштиришда, хусусан, бақлажон нав намуналарини турли экиш схемаларда жойлаштириш мева сони ҳам турлича бўлиб, Аврора (st) навини 70×30 см экиш схемасида – 1,8 дона, 70×40 см – 4,3 дона, 70×50 см – 2,5 дона бўлган бўлса, Барток F1 дурагайида мутаносиб равишда 2,5; 4,1 ва 2,9 донани ташкил қилди. Бирок, Алмаз навида Аврора (St) навига нисбатан мевалар сони камлиги билан ифодаланди.

Бақлажон нав намуналарини етиштиришда турли экиш схемаларини таққосланиш натижаларига кўра, Аврора (st) навида йирик мева вазни 60×50 см экиш схемасида (264 г) бўлган бўлса, 70×30 ва 70×40 см схемасида 277,8 ва 181,4 г ни ташкил қилди. Шунингдек, Аврора (st) навини турли экиш схемаларида жойлаштирилганда 1 м. кв майдондаги ҳосилдорлиги турлича бўлиб, 70×30 см экиш схемасида – 4,6...5,3 кг/м<sup>2</sup>, 70×40 см – 6,2...8,5 кг/м<sup>2</sup> ҳамда 70×50 см – 6,4...6,9 кг/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Истилмайдиган иссиқхона шароитида турли экиш схемаларини бақлажон нав намуналарини ҳосилдорлигига таъсири (2020-2022 йй)**

Нав намуналар	Экиш схемаси, см	Мева вазни, г	Ҳосилдорлик, кг/м <sup>2</sup>			
			2020 йил	2021 йил	2022 йил	ўртача
Аврора (st)	70×30	1,8	277,8	4,6	5,1	5,3
	70×40	4,3	181,4	6,2	8,7	8,5
	70×50	2,5	264,0	6,5	6,9	6,4
Алмаз	70×30	1,8	422,2	7,3	7,8	7,7
	70×40	1,8	727,8	12,8	13,2	13,0
	70×50	1,7	623,5	10,5	10,8	10,5
Барток F1	70×30	2,5	232,0	5,6	5,8	6,0
	70×40	4,1	224,4	9,0	9,5	9,1
	70×50	2,9	231,0	6,5	6,7	6,9
<b>P%</b>		0,6	110,5	1,2	1,4	1,1

Бақлажон нав намуналарни Боғ қатор орларида турли экиш схемаларида жойлаштиришда Алмазнави Аврора (st) навига нисбатан 1 м кв. да ўртача ҳосилдорлиги 70×30 см схемасида – 2,6 кг, 70×40 см – 5,3 кг ва 70×50 см – 4 кг га юқори бўлди.

Шунингдек, ўрганилаётган Барток F1 дурагайи эса, Аврора (st) навига нисбатан 70×30 см экиш схемасида – 0,8 ҳамда 70×40 см – 1,4 кг/м<sup>2</sup> дан ортиқ ҳосил шакллантирди. Бунга сабаб, ушбу экиш схемаларда Барток F1 дурагайи мева вазнини Аврора (st) навига нисбатан 43-46 г оғирроқ бўлганлигидир.

**Хулоса** қилиб шуни айтиш мумкинки, республикамизнинг марказий ҳудудларида боғ қатор ораларига бақлажоннинг Алмаз нави ва Барток F1 дурагайи каби нав намуналарини каби нав ва дурагай-ларини 70×40 см экиш схемасида жойлаштириш ҳосил элеменларини эртароқ шаклланишига ҳамда юқори ҳосилдорлик олиш имконини берар экан.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бексеев Ш.Г. Раннее овощеводство. – С.-Пб.: из-во «Профикс», 2006
2. Ботяева Г.В. Баклажан – перспективная культура для защищенного грунта // Агротехника и селекция овощных культур. – Москва, 1992. – С. 172-173.
3. Гиш Р.А. Баклажан. Биология, сорта, технология выращивания. – Краснодар, 1999. - 168 с
4. Король В.Г. Урожай под пленкой перспективы развития овощеводства в пленочных теплицах // журнал Гавриш. – Москва, 2015. № 3. - С. 26-31.
5. Мамедов М.И., Пышная О.Н., Джос Е.А., и др. Баклажан (*Solanum spp.*). – М.: Изд-во ВНИИССОК, 2015. – 264 с.
6. Пуць Н.М. Основные элементы технологии выращивания томата в необогреваемых плёночных теплицах в условиях Северо-Запада Российской Федерации // Автореферат дис. на соискание уч. степ, кандидата наук. – Санкт-Петербург-Пушкин, 1999. – 21 С.
7. Самсонов А. Баклажан – пища богов // Дачная жизнь. – Москва, 1999. - № 1-2. – С. 7.